Ушбу сонда:
2 *Муаммо кўндаланг қўйилади* МАКТАБ АВАРИЯ ҲОЛАТИДА
3 TV - ДАСТУРИ
4 *Ғаройиб олам* ХАВФЛИ УЧБУРЧАК БИТТАМИ?

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2000 йил 5 май, жума №64 (896)
СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## АҚШ ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИДА

АҚШ Давлат департаменти дунёдаги энг хавфли террорчилик ташкилотларининг рўйхатини эълон қилди. Мазкур рўйхатдан ўзини «Ўзбекистон ислом ҳаракати» деб атовчи ташкилот ҳам жой олган. Департамент уни ислом жангарилари коалицияси, деб изоҳлаган. Бу ташкилотнинг мақсади Ўзбекистондаги конституциявий тузумни ағдариб, «ислом давлати» қуришдир. Рейтер агентлиги маълумотларига кўра, «аксилғарб» кайфиятидаги мазкур ҳаракатнинг минглаб жангариси бор. 1999-2000 йилларда уларнинг кўпчилиги Афғонистонда қишлаган. Айримлари эса Тожикистон ҳудудида қолган, деган тахмин ҳам мавжуд. АҚШ Давлат департаментининг ҳисоботида ўтган йили Тошкентда юз берган портлашларга, шунингдек, Қирғизистон жанубида бегуноҳ одамларнинг икки бор гаровга олинишига, жумладан, тўрт нафар япониялик ва саккиз нафар Қирғизистон фуқаросининг икки ярим ой мобайнида ушлаб турилишига «Ўзбекистон ислом ҳаракати» жавобгар эканлиги таъкидланади.

**(ЎзА).**

# ХАВФСИЗЛИК - ҲАМКОРЛИК АСОСИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1-3 май кунлари давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди

***Ҳиндистон ҳақида гапирганда, тасаввуримизда, аввало, бу ўлканинг қадим тарихи, бетакрор маданияти, гўзал табиати намоён бўлади. Бу мамлакат тарихи Бобур ва унинг авлодлари номи билан боғлиқлиги биз учун янада аҳамиятлидир. Зеро, буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар бу ерда қудратли, марказлашган давлат барпо этиб, Ҳиндистон тараққиётига улкан ҳисса қўшган.***



Айни пайтда бугунги Ҳиндистон ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг аҳоли ва майдон жиҳатидан дунёда энг юқори ўринларда туриши ҳам ёдга тушади. Чунки бундай кўрсаткичлар мамлакатнинг мавқеини, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини белгилашда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги Ҳиндистон - кучли ҳарбий салоҳиятга, ривожланган энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик ва савдо тизимига эга мамлакат. Шу боис икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан Ўзбекистон ҳам, Ҳиндистон ҳам манфаатдор. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи ана шу алоқаларни янги босқичга кўтаришга қаратилди.

Қайд этиш жоизки, Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Президенти сифатида хорижга буюрган биринчи ташрифи ҳам Ҳиндистонга бўлган эди.

Ислом Каримов бу галги ташрифи давомида Ҳиндистон Президенти Кочерил Раман Нараянан, вице-президент Кришан Кант, Бош вазир Атал Биҳари Важпаи, ташқи ишлар вазири Жасвант Сингҳ, ички ишлар вазири Лал Кришна Адвани ва кўплаб ишбилармонлар билан мулоқотда бўлди. Улар орасида Бош вазир Атал Биҳари Важпаи билан бўлган яккама-якка суҳбат ҳамда Ўзбекистон ва Ҳиндистон делегацияларининг музокаралари асосий ўрин тутади. Деҳлидаги «Ҳайдаробод» саройида ўтказилган музокараларда минтақавий хавфсизлик, терроризм ва жиноятчиликка қарши кураш, молия, қишлоқ хўжалиги, таълим, божхона, савдо, маданий алоқалар, ахборот алмашув ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Музокараларнинг бош мавзуи минтақавий хавфсизлик масаласи бўлгани бежиз эмас. Негаки, бугунги кунда халқаро терроризм ва экстремизм нафақат Марказий Осиё, балки бошқа минтақалар мамлакатларидаги тинчлик ва барқарорликка таҳдид солаётир. Бундай хавф ва таҳдидга қарши ҳамкорликда курашиш Ҳиндистон учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам долзарб ҳисобланади. Наркобизнес ва террорчилик марказига айланган Афғонистон билан чегарадошлик Ўзбекистон учун катта муаммо бўлса, ҳеч бир халқаро талабларга риоя этмайдиган, дунёга инсон ҳуқуқларини поймол этиши билан танилган «Толибон» ҳаракати ва уни зимдан қўлловчилар Ҳиндистон учун ҳам жиддий бош оғриғи бўлиб турибди.

Музокараларда икки давлат халқаро террорчилик ва диний экстремизмнинг ҳар қандай кўринишига қарши эканлиги алоҳида таъкидланди. Бундай хавфга қарши халқаро майдондаги хатти-ҳаракатларни, турли ташкилотлар даражасидаги ташаббусларни ўзаро мувофиқлаштириб бормоқ ва ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқ зарур. Бу фикр ташриф давомида имзоланган ҳужжатларда ўз аксини топди.

Шубҳасиз, улар орасида Ислом Каримов ва Атал Биҳари Важпаи томонидан имзоланган «Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик тамойиллари тўғрисидаги қўшма декларация» муҳим ўрин тутади. Ҳужжат икки давлат ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги барча саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган. Жумладан, у савдо, кичик ва ўрта бизнес даражасидаги алоқалар, қўшма корхоналар тузилиши ва фаолият юритиши, транспорт коммуникацияси, фундаментал ва илмий тадқиқотлар, илғор технологияларни жорий этиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Декларациянинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этилиши миллий, минтақавий ва дунёвий хавфсизлик талабларига жавоб бериши, Ҳиндистон мазкур минтақанинг бундай мақомини ҳурмат қилиши ва эътироф этиши алоҳида таъкидланган. Бугунги кунда Ҳиндистон ядро қуролига ва катта ҳарбий салоҳиятга эга эканлигини ҳисобга олсак, бундай эътирофнинг аҳамиятини англаш қийин эмас.

Хавфсизликни таъминлаш йўлида икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг террорчилик, уюшган жиноятчилик, наркобизнесга қарши кураш, бундай жиноятларнинг олдини олиш борасида яқиндан ҳамкорлик қилишга келишиб олгани ҳам эътиборлидир. Бу масала нафақат декларация, балки Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги жиноий ишларда ўзаро ҳуқуқий ёрдам ҳамда экстрадиция (жиноятчиларни топшириш) тўғрисидаги шартномаларда ўз аксини топди.

Божхона қонунчилиги бузилиши ҳолларининг олдини олишга қаратилган биргаликдаги ҳаракатлар ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришнинг омили эканлигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳукуматлари ўртасида божхона идораларининг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида битим имзоланди. Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси ва Ҳиндистон молия вазирлиги даромадлар департаментининг акцизлар ва божхона масалалари маъмурияти томонидан амалга ошириладиган мазкур битим икки томонлама савдо алоқаларини ривожлантиришга самарали хизмат қилиши аниқ.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги ахборот алмашув ва оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ҳамкорлик ҳамда Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги билан Ҳиндистон ҳукумати ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протоколлар, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги /ЎзА/ билан Ҳиндистоннинг «Пресс Траст оф Индиа» ахборот маҳкамаси ўртасидаги ўзаро касбий ҳамкорлик ҳақидаги битим мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги қадим тарихга эга ижтимоий ва маданий алоқаларни янада кенгайтиришга, радио ва телевидение, газета ва журналлар ўртасида бевосита ахборот ва тажриба алмашувини йўлга қўйишга қаратилган.

Мамлакатларимиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги катта ўрин тутишини ҳисобга олсак, ҳукуматларимиз ўртасида қишлоқ хўжалиги ва таълим соҳаларида ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумнинг имзоланганини бу соҳадаги алоқаларнинг янада кенгайишида муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин. Бундай ҳамкорлик асосан таълим, тажриба ва мутахассислар алмашиш, маслаҳатлашув, илмий адабиётлар ва услубий қўлланмалар тақдим этиш йўли билан амалга оширилади.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида имзоланган кредит битими эса Ҳиндистоннинг Ўзбекистонга навбатдаги кредит маблағларини ажратишини кўзда тутади.

Ўзбекистон-Ҳиндистон иқтисодий алоқаларини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга булган учрашув Деҳлидаги «Таж Палас» меҳмонхонасида бўлиб ўтди. Бу ерда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Ҳиндистон саноат конфедерацияси ўртасида ўзаро англашув тўғрисида меморандумга қўл қўйилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов конфедерация вакиллари билан учрашув чоғида мазкур ташкилот иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Ҳиндистон саноат конфедерацияси 1994 йилдан буён мамлакатимиз муассасалари билан яқин алоқада. Ташкилотнинг Тошкентдаги ваколатхонаси икки давлат тадбиркорлари учун фойдали кўргазмалар, учрашув ва музокаралар ташкил этишга, ҳинд ишбилармонларини Ўзбекистон бозори билан таништиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Президент Ислом Каримов конфедерация аъзолари бўлган йирик ҳинд саноатчилари билан бўлган учрашувда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни, иқтисодий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақида сўзлади.

- Бу галги ташриф ўта самарали ўтди, - деди жумладан Ислом Каримов. - Ҳиндистон раҳбарияти билан барча соҳаларда ва айниқса хавфсизлик масалаларида қарашларимиз муштарак эканига амин бўлдик. Хавфсизлик эса ҳамкорликнинг, жумладан, иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим шартидир.

Юртбошимиз мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмасининг бугунги ҳажми икки томонни ҳам қониқтирмаслигини таъкидлаб, мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш учун Ўзбекистонда Ҳиндистон банклари фаолиятини йўлга қўйиш, шерикликда ишлаётган тадбиркорлар ҳуқуқларини молиявий жиҳатдан ҳимоялаш учун қўшма суғурта компанияси ташкил этиш, транспорт коммуникацияси масаласини ҳал этиш зарурлигини уқтирди.

Мулоқот жуда самарали бўлгани ва Ҳиндистон ишбилармонларининг мамлакатимизга қизиқиши ортганини шундан ҳам билиш мумкинки, у белгиланганидан икки карра кўпроқ вақт давом этди.

Ташриф якунларига кўра ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон раҳбари мазкур сафар чоғида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон-Ҳиндистон алоқаларини янги асрда янги босқичга кўтарадиган чинакам ҳуқуқий асосга айланишига ишонч билдирди. Ислом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, хавфсизлик, хусусан, Афғонистондаги вазият билан боғлиқ масалалар музокара иштирокчиларининг алоҳида диққат марказида турганини айтди.

Сафар олдидан берган интервьюсида Юртбошимиз таъкидлаган эдики, Ҳиндистонга бориб буюк аждодларимиз бунёд этган обидаларни кўрмай қайтиш мумкин эмас. Ташриф дастуридан Агра шаҳрида Бобурийлар сулоласи вакили Шоҳжаҳон томонидан барпо этилган «Тож Маҳал» мажмуининг зиёрати ҳам ўрин олган эди. Шарқ меъморлигининг ноёб анъаналарини мужассам этиб, муҳаббатга қўйилган абадий ёдгорлик сифатида бунёд этилган бу мажмуа бобокалонларимиз даҳосининг улкан ифодасидир. Юртбошимиз аждодларимиз қабрларини зиёрат қилиб, дунёнинг етти мўъжизасидан бири саналган бу иншоотнинг тарихи, меъморий ечими, ўзига хосликлари билан қизиқди.

- Бундай жойларда бўлганда ҳар бир ўзбек, ҳар бир ўзбекистонлик буюк аждодларимизга эҳтиром, жўшқин миллий ғурур туйғусини ҳис этади, уларнинг қудрати ва меросига таҳсин айтади, - деди Ислом Каримов. - Бундай мўъжизавий тарихий бинолар юртимизда ҳам кўп. Уларни яратган халқимиз ҳеч қачон кам бўлмайди.

**Беҳзод УСМОН,**
**ЎзА махсус мухбири**
**Тошкент-Деҳли-Агра-Тошкент.**

**А. ТЎРАЕВ (ЎзА)**
**олган сурат**

*9-май — Хотира ва Қадрлаш куни*

# ФАХРИЙЛАР — ФАХРИМИЗ

***Тўққизинчи май Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши кўпмиллатли республикамиз халқи учун айни муддао бўлди. Чунки бу кун Ватан учун, миллат учун, бугунги фаровон ҳаётимиз учун жон олиб жон берган ҳамюртларимизнинг руҳи покларини шод этамиз. Улар билан фахрланиш баробарида эришган ёруғ кунларимизга шукроналар айтамиз.***

Бугунги кунда мамлакатимизда 59 минг 300 нафар иккинчи жаҳон уруш иштирокчиси бор. Улар сонининг йиллар ўтгани сайин камайишини ўйлар экансан, вақтнинг ва инсоннинг ғаниматлигини янада чуқурроқ ҳис қиласан киши...

Шундай экан, жойларда уруш фахрийлари ва фронт ортида заҳмат чеккан меҳнат фахрийларига эътибор қандай бўлмоқда?

Тошкент авиация ишлаб чиқариш давлат акционерлик жамиятида бўлганимизда маъмуриятнинг бу масалага алоҳида диққат-эътибор билан қараётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Муҳаммадкарим ОТАЖОНОВ — жамият касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Улуғ сана — 9-май Хотира ва Қадрлаш кунига алоҳида тайёргарлик кўрдик. Чунки бу кун нафақат хотирлаш, балки дўстлар учун ҳақиқий дийдорлашув лаҳзалари ҳамдир.

Жамиятимизда 250 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари бўлиб, улар меҳр билан қуршаб олинган. Улуғ байрам куни заводимизда азиз инсонлар учун дастурхон ёзилади. Бу тадбир учун 100 минг сўм, совға-салом ва рағбатлантириш учун ярим миллион сўм пул маблағи ажратганмиз. Буларнинг ҳаммаси фахрийларимизнинг жанговар хизматлари ва меҳнатлари, бирлашмамиз тараққиёти учун қўшган ҳиссалари учун билдирилган чуқур миннатдорчилик туйғуларимиз ифодасидир.

Николай УРЮПИН — Фахрийлар кенгаши раиси:

— Заводимиз ҳудудидаги «Мангу олов» қошида урушдан қайтмаган Ватан фидойиларининг исм-шарифлари битилган ёдгорлик тоши бор. Биз худди шу ерда ясатилган дўстлик дастурхони атрофига йиғилишамиз. Дилдан суҳбат қуриб, ўтганларнинг порлоқ хотираларини ёдга оламиз.

Одил ШУКУРОВ — уруш фахрийси, истеъфодаги полковник:

— Менинг умрим мана шу заводда ўтган. Ёшим бир жойга бориб, нафақага тантанали равишда кузатишди. Бундан буёғи қилган меҳнатларим роҳатини кўриб дам оламан, деб ўйловдим. Лекин, ҳақиқий роҳат ва ҳордиқ меҳнат ва яна меҳнатда экан. Яна қайтиб келдим. Юртбошимизнинг биз уруш ва меҳнат фахрийларига эътиборларидан беҳад миннатдормиз. Буларни эса чеккан заҳматларимиз учун берилган мукофот деб, ҳисоблайман.

Мираҳмад МАҚСУДОВ — «Хотира ва Қадрлаш куни» тадбирлари бўйича масъул котиб:

— Уруш ва меҳнат фахрийларимизни ҳар доим йўқлаб турамиз. Ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатиш одат тусига кирган. Шунингдек, хаста фахрийларимизнинг кўнглини кўтариб, ҳолидан хабар олиб турамиз. Лекин энг қувончлиси ёшлари бир жойга бориб қолган бўлса-да, уларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам меҳнат қучоғида.

Хотира — муқаддас туйғу. Фақат уруш қурбонларигина эмас, балки Ватанимиз равнақи учун фидойилик билан меҳнат қилган, мустабидлик йилларида қатағон этилган ҳамюртларимизни, эл-фаровонлиги учун хизматлари сингган инсонларни ёдга олиш — хотиранинг азиз ва абадий мунаввар тушунча эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Инсон инсонга ғанимат. Шундай экан, ҳар дам, ҳар асно фахрийларимизни асрайлик. Зеро фахрийлар бизнинг фахримиздир.

**Маҳбуба ҲАЙИТОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ЖАСОРАТ ВА САДОҚАТ РАМЗИ



Тарих ўзлик кўзгуси, унда фақат ҳақиқат бўй кўрсатади. Шунинг учун ҳам тарихнинг сўзи адолат сўзидек асрлар оша жаранглаб туради. Ўзбек халқининг иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида ва фронт орқасида кўрсатган мислсиз қаҳрамонлиги ҳам тарих саҳифаларида жасорат ва садоқат рамзи сифатида муҳрланди. Ўзбекистон уруш даврида нафақат ҳарбий кадрлар тайёрлайдиган макон, балки душманнинг «яшин тезлигидаги уруш» режасини барбод этган омиллардан бири - фронтни моддий воситалар билан таъминловчи қудратли қалқон вазифасини ҳам ўтади. Жангчиларимизнинг олис Европада туриб жонажон Ўзбекистонимизни фашизм балосидан ҳимоя қилгани, буюк ғалабага муносиб ҳисса қўшгани ёшларни миллий ғурур руҳида тарбиялашда, ўтмишнинг аянчли фожиаларидан тўғри хулоса чиқаришга ундайди. Шунинг учун ҳам халқимиз Хотира ва Қадрлаш кунини миллий қадриятларимиз ва маънавий меросимизнинг тикланиш байрами сифатида ҳам кутиб олмоқда.

Хотира эса инсоннинг руҳини поклайди, ўзлигини англаш, ўтмишидан сўзлаб, келажакка ёрқин йўллар очади, халқимизни ягона ғоя атрофига бирлаштиради. Очиғини айтиш керакки, тарих бизларни ўша даҳшатли йиллардан узоқлаштиргани сари, урушда кўрсатилган жасорати ва мардлигини янада ёрқинроқ бўй кўрсатиб, уруш ҳақидаги хотиралар маънавий кучга айланиб бормоқда.

Ҳа, уруш йилларида Ўзбекистон қайноқ кўксини очди. Диёримизга бир миллионга яқин киши кўчириб келинди. Ўзбек халқи урушнинг фожеаларидан юраги зада бўлиб, жудолик, айрилиқ азобини тортаётганига қарамай меҳр кўрсатди: уйсизларга уй, очларга насиба улашди, тошкентлик оддий темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов умр йўлдоши Баҳри ая билан урушнинг оғир, тақчиллик йилларига қарамай она-отасиз қолган 16 нафар турли миллатга мансуб болаларни тарбиялаб вояга етказди. Шунингдек: каттақўрғонлик Ҳамид Самадов онаси Манғит ая билан 13 нафар етим болаларни қарамоғига олиб, меҳр-саховат кўрсатди. Уларнинг бу жасорати тилларда достон бўлиб, китоблар ёзилди.

Ўша пайтларда темирйўл платформалари бир дам бўлсин эшалонлардан бўшамас, неча минг тонналаб юк ва минглаб ишчи-хизматчиларни олиб келаётган вагонларнинг кети узилмасди. 1941 йилнинг ноябр ойидаёқ 43 эшелон 2,5 вагондан иборат ишчи-хизматчилар ва юклар республикамизга кириб келган. Ўша йилнинг охирида республикамиздаги 300 завод-фабрика фронт учун қурол-яроғ, ўқ-дори, кийим-кечак ишлаб чиқара бошлаган. Уларнинг кўпчилиги синалган халқ қурилиши-ҳашар усулида амалга оширилди.

Уруш туфайли мамлакат халқ хўжалигида шунчалик катта талофат келтирган эдики, бу моддий ва маънавий зарарни бир сўз билан таърифлаб, рақам билан изоҳлаб бўлмайди. Уруш нафақат халқ хўжалигида, балки ҳар бир оилага жароҳат, офат ва катта йўқотишларни бошлаб келган, у туфайли барчанинг юраги зада эди. Ўша кунлар ҳеч кимга, жумладан ўзбек деҳқонига ишчисию зиёлисига осон эмасди. Етар-етишмовчилик, қайғу-алам, очлик-юпунлик ҳар бир хонадонда соя солиб турган бўлсада, ўша даҳшатли кунларда ўзбек ўзлигини, ўзбеклигини тўла намойиш этди.

Республикамиздаги йирик саноат корхоналари ишчи-хизматчилари фашистлар вайрон этган саноат корхоналарини қайта бунёд этиш учун оталиқ ёрдами уюштиришгани то ҳануз унут бўлгани йўқ. «Ташсельмаш» заводи «Ростсельмаш» заводини, республикамиз энергетиклари Украина ва Белорусия электростанция қурилиши, Ангрен кўмир қазувчилари Донецк кўмир разрезларини, «Текстильмаш» заводи жамоаси эса тўқимачилик корхоналарини оталиққа олиб, кадрларни қайта тиклашда мададкор бўлишди. Бу йиллар халқимизнинг инсонпарварлиги ва бой маънавий дунёсини, кенг феъллигию, саховатпарварлигини бугун бўй-басти билан бутун дунёга овоза қилди. Тарих зарварақларига битилган бу мислсиз жасорат ва матонат ўзлигини англаётган халқнинг янги авлодини ҳақиқий ватанпарвар, жасур, маънавий баркамол ҳамда истиқлолимиз таянчи, миллий мафкура руҳида тарбиялашда хизмат қилиши шубҳасиздир.

**Турғун ЗИЯЕВ,**
**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети фахрий доктори.**
**Шоира ИСРОИЛОВА,**
**университет ўқитувчиси.**

*Ҳуқуқий маслаҳатхона*

# МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

**Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради**

***САВОЛ: Бир ходимимиз ҳар куни ярим соат, гоҳида бир соатга ишга кечикиб келади, ўз вазифасини ҳам тўлиқ бажармайди. Бу ходимга қандай чоралар қўлласа бўлади?***

**М.Оқилова,**
**тиббиёт ходими, Жиззах шаҳри.**

**ЖАВОБ:** Ҳар бир муассасада интизом бўлиши шарт. Интизом йўқ экан, демак ишнинг унуми ҳам бўлмайди, ходимлар ўртасида ҳар хил низолар келиб чиқади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 174-моддасига асосан муассасада «Ички меҳнат тартиби қоидаси» ишлаб чиқилиши ва касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда иш берувчи томонидан тасдиқланиши ҳамда у ходимларнинг танишиб чиқишлари учун қулай бўлган жойга осиб қўйилиши керак.

Сиз тиббиёт ходими бўлганлигингиз туфайли барча тиббиёт муассасалари раҳбарларига Ички меҳнат тартиби қоидасини ишлаб чиқилишида қулайлик туғдириш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1996 йил 27 майдаги 454-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари учун тармоқлар бўйича ички меҳнат тартиби қоидалари»дан фойдаланишларини ва ўз иш шароитларига мослаб амалдаги Қонунларга асосланган ҳолда ўз Ички меҳнат тартиби қоидаларини ишлаб чиқишларини маслаҳат берардим.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 176-моддаси талабларига мувофиқ ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкини авайлаб-асраши шарт. Ходимнинг меҳнат вазифалари ишлаб чиқилган бўлиб, касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда иш берувчи томонидан тасдиқланган ва ходимга имзо чектириб у таништирилган бўлиши керак. Акс ҳолда низо келиб чиққанда иш берувчи ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажармаганлигини исботлаб бериши ва унга интизомий жазо чоралари қўлланиши анча мушкул кечади.

Муассасада, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Ички меҳнат тартиби қоидаси қабул қилинган, ходимнинг меҳнат вазифалари тасдиқланган бўлса, бу ҳужжатлар билан ходим танишган бўлишига қарамасдан, у меҳнат интизомини бузса, иш берувчи томонидан ходимга қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланиши мумкин:

1) ҳайфсан;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида жарима.

Ички меҳнат тартиби қоидасида ходимга эллик фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

3) Ходимга бериладиган охирги интизомий жазо чораси - бу меҳнат шартномасини бекор қилиш (МКнинг 100-модда иккинчи қисмининг 3- ва 4-бандлари). Қонунда кўрсатилмаган интизомий жазо чораларини қўлланилиши тақиқланган.

Интизомий жазо чораларини қўллашнинг ўз тартиб ва қоидалари бор. Бу тартиб ва қоидаларга амал қилинмаса, ходимга қўлланилган интизомий жазо чораси ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Меҳнат кодексининг 182-моддасига асосан ходимга интизомий жазо фақат ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан қўлланилади. Бўлим бошлиқлари ва бошқа шахсларга бундай ҳуқуқ берилган эмас.

Ходимга интизомий жазо қўлланилишидан аввал ундан нима сабабли меҳнат интизомини бузганлиги ҳақида ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Агар ходим тушунтириш хати беришдан бош тортса, учтадан кам бўлмаган шахслар иштирокида бу ҳақда далолатнома тузилади ва унинг содир қилган ножўя хатти-ҳаракатлари учун юқорида кўрсатиб ўтилган интизомий жазолардан бири қўлланилади ва бу тўғрида буйруқ чиқарилади. Буйруқ ходимга имзо чектириб таништирилади.

Агар ходим буйруқ билан танишса-ю, лекин имзо чекишдан бош тортса, бунда ҳам далолатнома тузилади. Интизомий жазони қўллашда содир қилинган ножўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги ишлари ва хулқ-атвори ҳисобга олинади. Ходим биринчи бор содир қилган оғир хатти-ҳаракати учун вазифасидан озод қилиниши ҳам мумкин.

Ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланилиши керак.

Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилиши керак. Агар ходим касал ёки таътилда бўлса, кўрсатилган муддат олти ойгача узайтирилади. Бу муддатлар ўтгандан сўнг, ходимга интизомий жазо чораси қўлланилмайди, қўлланилганда ҳам у ҳақиқий ҳисобланмайди.

Меҳнат кодексининг 183-моддасига мувофиқ интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан эътиборан бир йил. Агар ходим шу муддат ичида ҳам интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

Интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, ўз хатти-ҳаракатини яхшилаган ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра интизомий жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли.

Интизомий жазо чораси қўлланилишидан норози бўлган ходим меҳнат низоларини кўрувчи комиссияга, туман судига ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Иш берувчиларнинг қонунчиликка тўлиқ риоя қилмасликларини ҳисобга олган ҳолда, ходимнинг ножўя хатти-ҳаракати учун интизомий жазо чораси тариқасида қўлланиладиган Меҳнат кодексининг 100-модда иккинчи қисмининг 4-банди билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши тўғрисида қисқача тушунтириш бериш лозим.

Меҳнат кодексининг амалга киритилиши, яъни 1996 йил 1 апрелга қадар амалда бўлган Ўзбекистон Меҳнат қонунлари кодексининг 41-моддасида «Меҳнат шартномасининг маъмурият ташаббуси билан бекор қилиниши» кўрсатиб ўтилган бўлиб, у саккиз банддан иборат эди, ҳозир амалдаги Кодекснинг 100-моддаси «Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш» олти банддан иборат.

1996 йил 1 апрелгача амалда бўлган Кодекс бўйича ходим сабабсиз прогул қилса, шу жумладан, уч соатдан ортиқ ишда бўлмаса 41-модданинг 4-банди билан лавозимидан озод қилиниши мумкин эди. Ҳозир амалдаги Меҳнат кодексида прогул учун ишдан бўшатиш 100-моддада алоҳида банд қилиб кўрсатилган эмас, лекин унинг 4-бандида «ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги» кўрсатиб ўтилган. «Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги»нинг рўйхати Ички меҳнат тартиби қоидасида кўрсатиб ўтилган бўлиши керак. Агар муассасада Ички меҳнат тартиби қоидаси йўқ бўлса, ходим бир неча кунлаб, ҳатто ойлаб сабабсиз ишга чиқмаса ҳам уни иш берувчининг ташаббуси билан (100-м. 2-қисм, 4-банд) вазифасидан озод қилиб бўлмайди. Фақат унга ҳайфсан эълон қилиниши ёки жарима солиниши мумкин.

*Яхши ишлаб яхши яшаётганлар*

***Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларининг қамрови кенг бўлиб, у меҳнат қилишу яхши дам олишни, моддий манфаатдорлигу маънавий баҳрамандликни ўз ичига олади. Ана шундай ҳаётий омилларни турмушга изчиллик билан татбиқ этгандагина турмуш ва меҳнат ташвишлари ҳам инсонга завқли туюлади. Шу жиҳатдан Самарқанд туманидаги «Наврўз» ширкат хўжалигида ижтимоий ва маънавий соҳаларда амалга оширилаётган тадбирлардан ибрат олса арзийди.***

# ШИЙПОН ЁНИДА ГУЛЗОР

— Хўжалигимизда ижтимоий масалаларга кейинги йилларда тобора кўпроқ эътибор берилмоқда, - дейди хўжалик бошқаруви раисининг ўринбосари Асадулла Каримов. - Тиббиёт, савдо, маиший хизмат каби соҳаларда барқарорлик таъминланди. Меҳнаткашларнинг иш ҳақига қўшимча равишда моддий қўллаб-қувватлаш, маънавият дурдоналаридан баҳраманд қилишга қаратилган тадбирларда мунтазамликка эришилди. Ҳозир хўжалигимизда 400 ўринли клуб, кутубхоналар ишлаб турибди. Мавжуд 11 та дала шийпонида дам олиш шароити талаб даражасида бўлиши учун тегишли чоралар кўрилмоқда. Умуман, ишлаб чиқариш бўлинмаларининг барчасида ҳамма шароитлар муҳайё бўлишига интилаяпмиз.

Бу айтилган гаплар айни ҳақиқат эканлигига хўжалик ҳаёти билан танишиш пайтида амин бўлдик. Барча бригадалардаги дала шийпонлари мавсум арафасида таъмирдан чиқарилмоқда. Зарур жиҳозлар келтириб қўйилган. Бригада аъзоларининг эҳтиёжлари учун, яъни мавсумда мева-сабзавот ҳамда иссиқ овқат, зарур маҳсулотлар билан таъминлаш учун шийпон атрофидан томорқа ажратилган.

— Бундай анъана хўжалигимизда амалиётга кирганига бир неча йил бўлди, - дейди 5-бригада етакчиси, «Шуҳрат» медали соҳиби Неъмат Тиллаев. - Бу йил ҳам дала ишларини сифатли бажариш билан бир қаторда жамоа аъзолари эҳтиёжи учун бригаданинг томорқа ерига турли сабзавотлардан экдик. Мевали дарахтлар парваришини бошладик. Ҳовузни тозалаб, сув йўллари тартибга келтирилди. Умуман, деҳқоннинг иккинчи уйидай бўлиб қолган дала шийпонда ободончилик ишлари бажарилаяпти. Даладан ҳориб қайтганда сўлим шийпонда, ҳовуз бўйидаги соя-салқинда дам олиб, суҳбат қурганга нима етсин.

Хўжаликнинг бошқа дала шийпонларида ҳам иш қизғин. Муҳими, уларнинг барчасида радио, телевизор, матбуот нашрлари мавжуд. Меҳнаткашлар Президентимизнинг асарларидан, бадиий адабиётлардан, илмий-оммабоп рисолалардан баҳраманд бўлишлари мумкин.

— Меҳнаткашлар бизга эргашиши, ишониши ва хайрихоҳ бўлиши учун ижтимоий ва маънавий масалаларга кўпроқ эътибор беришимиз зарур, - дейди хўжалик касабақўми раиси Тоир Мухторов. - Шу фикрга асосланиб, жамоа шартномасида бу борадаги вазифалар аниқ белгиланган. Шунга кўра хўжаликнинг дала шийпонларида, техника паркида, чорвачилик фермасида анчагина ишлар қилинди. Масалан, чорвачилик фермасида ошхона, сауна, дам олиш хоналари, маънавият маскани иши доимий йўлга қўйилди. Техника паркидаги шароит ҳам бундан қолишмайди. Фақат шу билан чекланмай клубда ва ишлаб чиқариш бўлинмаларида турли маданият-маънавият тадбирлари ўтказилади. Бундан ташқари ҳар йили ўнлаб меҳнаткашлар санаторийларда ҳамда маҳаллий сиҳатгоҳларда дам олиши таъминланади. Биз учун ибратлиси шундаки, хўжалик раиси Абдурафиқ Наимов бу масалалар ҳал этилишини доимо шахсан назорат қилиб боради. Бундай эътиборга жавобан эса меҳнаткашлар хўжалик иқтисодиётини юксалтириш йўлида самарали меҳнат қилишмоқда.

Суҳбат чоғида бу фикрларни хўжаликнинг Б.Саломов, Т.Узоқова, А.Баҳромов каби кўплаб аъзолари ҳам эътироф этишди. Хўжалик аъзолари 220 гектар сувли, 235 гектар лалми ерда ғалла, 65 гектарда сабзавот, 14 гектарда мева, 96 гектарда узум парваришлаб мўл ҳосил етиштираётгани, 300 тоннадан зиёд сут, 21 тонна гўшт ишлаб чиқаргани ҳам юқоридаги фикрларнинг яна бир далилидир. Аҳилликда барака бор, деганлари шу эмасми?!

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## «ПАРВИЗ» — ЧЕМПИОНЛАР МАКТАБИ

Газетамизнинг шу йил 31 март сонида юқоридаги сарлавҳали мақола босилган эди. Унда «Парвиз» клубини, қолаверса, Бекобод туман каратэ федерациясининг кўпдан қийнаб келаётган муаммолари яъни, клуб қатнашчиларининг мусобақаларда иштирок этиши, яхши натижага эришишларида моддий тарафдан қийналаётгани, шаҳарда йирик корхоналар бўлатуриб, клуб ночор аҳволда эканлиги баён этилган эди.

Бекобод шаҳар ҳокимининг муовини А.Эрматовнинг таҳририятимизга йўллаган жавоб хатида ёзилишича, шаҳарда жисмоний тарбия ва спорт масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда, шунингдек, «Соғлом авлод йили» муносабати билан бу соҳадаги ишлар яна бир бор кўриб чиқилиб, алоҳида режа ва тадбирлар тузилди. Ҳозирги кунда бокс, кураш, таэквандо, каратэ федерациялари фаолият кўрсатмоқда. Замонавий теннис корти яқин кунларда ишга туширилади.

Ўтказилаётган мамлакат ва жаҳон биринчилиги мусобақаларида «Парвиз» клуби ва умуман спорт жамоаларига корхона ва ташкилотлар ҳам тегишли маблағ билан ёрдам бермоқда. Жумладан, «Сарбон» ҳиссадорлик жамияти 200.000 сўм, «Бекобод нон» жамоа корхонаси ва шаҳар Нефт базаси 50000 сўмдан, «Автобус такси саройи» ҳиссадорлик жамияти 50 000 сўм маблағларини ўтказиб, ёшларни мусобақаларда фаол иштирок этишини таъминладилар.

Мақола юзасидан спорт мутасаддилари ва иқтисодий бақувват корхона, ташкилот раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилиб, каратэ федерациясига, шунингдек, барча спорт федерация ва жамоаларига ёрдам бериш имкониятлари қайта кўриб чиқилди ҳамда муҳокама этилган масалалар юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди.



# ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ

Бугун нафақат ҳамшаҳарларимиз, хорижлик меҳмонлар ҳам ўзига хос кўркам ва такрорланмас гўзаллик билан сайқал топган 23 та метро бекатида кўрсатилаётган хизмат маданиятини юқори баҳоламоқдалар. 30 километрдан ортиқ ерости транспорти сизни пойтахтнинг исталган жойига бир зумда элтиб қўйиши мумкин.

Дарвоқе, метронинг Юнусобод янги йўналиши ишга тушиш арафасида. Демак, яна 6 та янги — «Лоҳутий», «Юнус Ражабий», «Абдулла Қодирий», «Минор», «Бодомзор» ва «Ҳабиб Абдуллаев» бекатлари пайдо бўлади.

— Бу ерда қурилиш-монтаж ишлари узлуксиз ва қатъий тартибда олиб борилмоқда, — дейди Тошкент метрополитени бошлиғи Адҳам Жумабоев. — 3 минг нафардан иборат жамоамиз аъзолари туну-кун астойдил меҳнат қилмоқда. Электропоезд ва эскалатор машинистлари, электромеханиклар, электрик-чилангарлар, сигнализация ва алоқа бўйича хизмат қилиш мутахассислиги ходимларининг баҳамжиҳатлиги туфайли жорий йилнинг биринчи чораги режалари ошириб бажарилди. Янги йўналиш ҳам ишга тушгач, 30 миллиондан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатиш имкони яратилади. Поездлар тезлиги эса соатига 80 километрни ташкил қилади. Шу боис ҳам ҳаракат хавфсизлигига катта эътибор берилаётир.

Ҳозирги кунда «Чилонзор» электродепосида эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ишчиларимизнинг ўртача иш ҳақи эса 22 минг сўмни ташкил этмоқда. Улар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Ҳар бир бекат ва депода душ, музлаткич, электротармоқ ва дам олиш хоналари бор. Бизда ўз касбини эъзозлаётган кўплаб оилавий сулолалар ҳам фаолият кўрсатишмоқда. Ёқубжонов, Эрназаров, Зокиров, Соатов, Пирматовлар оиласи шулар жумласидандир.

***Суратда: Тошкент метрополитени ҳаётидан лавҳалар.***

**У. УСМОНОВ**
**олган суратлар.**

*Муаммо кўндаланг қўйилади*

# МАКТАБ АВАРИЯ ҲОЛАТИДА...

***Соғлом, ҳар томонлама етук, жисмонан бақувват фарзандларни тарбиялаш учун аввало мактабнинг моддий базасини яхшилаш керак. Келажак мактабдан бошланади. Бу бежиз айтилмаган. Шундай экан, Косон туманидаги мактабларнинг бугунги аҳволига бир назар ташламоқчимиз.***

— Туманда 91 та мактаб бўлиб, уларда 50 мингга яқин ўқувчилар таълим-тарбия олишади.

— Ўқувчиларнинг ҳар томонлама билим олишлари учун имкониятларимиз етарли,- дейди туман халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Қосим Қодиров. - Лекин кишини хижолатга солиб қўядиган томонларимиз ҳам бор. Барча мактаблар компьютерлаштирилмаган. Ҳозирги кунда фақатгина 27 та мактабда компьютер ишлаб турибди, холос.

Биз тумандаги Берди Ниёзов номли 71-мактабда бўлганимизда таълим-тарбия соҳасидаги ишларни кўриб қувонган бўлсак, ноқулайликларни кўриб куюндик.

Қаранг 575 нафар ўқувчи таълим олаётган мактабда 17 та синф хонаси бўлиб, 26 йил илгари қурилган бино авария ҳолатида. Шу орада ўқувчилар сони ортгани, синфхоналар етишмаётгани эътиборга олиниб 422 ўринли мактаб биноси қурилишига ер ажратилиб, пойдевор учун хандақлар ковланди. Афсуски, суюнишга ҳали эрта экан. Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, 1990 йилнинг март ойида бор-йўғи 78 минг сўмлик иш бажарилдию, қурилиш тақа-тақ тўхтаб қолди. Эндиликда ҳар ер - ҳар ерда пойдевор учун ковланган хандақлардан сув чиқиб, атрофни ёкимсиз ҳид тутиб ётибди. Ҳатто танаффус пайтида ўқувчилар бу ердан «ўйингоҳ» сифатида ҳам фойдаланадилар.

- 14 йилдан буён шу мактабга раҳбарлик қиламан — дейди Тўлған Бобоқулова. - Мактабимизга ташқаридан бирор киши келгудек бўлса, хижолат тортамиз. Болалар, ота-оналар олдида юзимиз шувит...

Ҳа, мактаб қурилишини давом эттириш ҳақида ҳар йили мутасадди ташкилот раҳбарлари қоп-қоп ваъдалар беришади. Лекин амалий ишдан дарак йўқ. Ўқувчилар тўлиқ ўқиб-ўрганишлари учун яна камида 9 та синфхона керак. Ҳозир эса 2 сменада қисиниб-қимтиниб ўқиётган ўғил-қизларни қўшимча машғулотларда иштирокини тўла таъминлаш учун хоналар етишмайди. Борларининг поллари чириб ётибди. Деворлардаги зах шифтга қараб чиқмоқда.

- Бундай шароитда болалар ҳаётини хавф остига қўймаяпсизларми?- сўраймиз ўқитувчилардан. - Улар эса «иложимиз қанча» дегандек елка қисишади. Шу ўринда мактабнинг яроқсизлиги ҳақида тегишли ташкилотлар вакилларидан иборат махсус комиссия хулосасини мисолга келтиришимиз мумкин. Унда таъкидланишича, 1974 йилда чала қурилган мактабнинг бир неча хоналари талабга жавоб бермайди. Бино тепа қисмига ўрнатилган плиталар ёрилган. Айрим деворлар ҳам шундай аҳволда.

Хуллас, комиссиянинг 1997 йил 9 декабрда тузган далолатномасининг асил моҳияти чала қолган қурилишни давом эттириш, бир неча хоналарни таъминлаш зарурлиги хусусидадир. Далолатномадан кўриниб турибдики, бу бир йиллик муаммо эмас. Илгари ҳам бир неча марта «комиссия» келиб кетаверган. Лекин маслаҳат, тавсиялар билан ўқувчилар жонига ора кириб бўлармиди?! Шунга қарамасдан ўқиш, ўрганиш жой танламас экан. Ёшларнинг одоби, хулқи ва дарсларни ўзлаштиришини кўриб қувондик. Уларнинг кўпчилиги аъло баҳоларда ўқимоқдалар.

Рақамларга аҳамият берамиз: ўтган 1998-1999 ўқув йилида мактабни тугаллаган 52 нафар ўқувчининг 22 нафари ўз билимлари билан ТЕСТ синовлари орқали олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кирдилар. Мактабда ташкил этилган спортнинг дзюдо тури бўйича 3 нафар ўқувчи танлов асосида имтиҳонсиз олий ўқув юртлари талабаси бўлган. «Ўқитувчи-98» кўрик-танловида қатнашган 70 нафар ўқитувчи орасида ғолиб бўлган ҳам шу жамоадан. Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Пўлат Омонқуловнинг 1991 йилда «Қашқадарё халқ таълими фидойиси», 1998 йилда «Шуҳрат» медали билан тақдирланганлиги ҳам бу ерда қилинаётган амалий ва хайрли ишлардан даракдир.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» изчиллик билан амалга оширилаётган бир пайтда сансалорликка йўл қўйиб бўлмайди. Айни пайтда тумандаги 7 та мактаб ҳам ана шундай авария ҳолатида эканлигини мутасадди ташкилот раҳбарлари яхши билишади. Ўқувчилар учун эса ваъда эмас, мактаб керак. Ҳадемай, ўқув йили поёнига етади. Янги ўқув йилида ўқувчилар қулай шароитларга эга бўлган замонавий биноларда ўқишни орзу қиладилар. Айтинг, айтинг орзу-орзулигича қолиб кетмасин-да.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

